

Viloyat ijtimoiy-siyosiy gazetasi

1928-yil 11-dekabrda asos solingan

2024-yil 3-iyul / CHORSHANBA / № 48 (13708)



### Вилоят б'йлаб

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ташаббуси билан ташкил этилган "Маҳалла карвони" маънавий-маърифий тарғибот тадбирининг илк манзили ЗАНГИОТА тумани бўлди.



ТОШКЕНТ туманидаги 4-, 9- ва 27-умумтаълим мактаблари ҳудудда Ёшлар куни муносабати билан ҳомиёлар қуриб берган Ёшлар маркази ва мини-футбол майдонлари фойдаланишга топширилди.



БЎСТОНЛИҚ туманида аҳолининг бандлигини таъминлаш, эҳтиёжманд оилаларни қўллаб-қувватлаш ва даромадини ошириш мақсадида ижтимоий дафтardaги 38 нафар фуқарога 20 дондан товуқ тарқатилди.



БЎКА тумани ҳокими Б. Бегматов ҳудудда фаолият юритувчи фермерлар билан учрашиб, соҳага оид муаммолар борасида суҳбатлашди. Йиғилишда аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан масъулларга топшириқ берилиб, ижроси назоратга олинди.



ЎРТА ЧИРЧИҚ тумани ҳокими ёрдамчиси Бобуржон Жўраев "Ёшлар ойлиги" доирасида "Scientific publication" илмий-матбуот маркази томонидан "Миллат умиди" кўрак нишони билан тақдирланди.



## Қўтилган байрамнинг Қўтилмаган тўхталари




### Шуқуқ

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан Нурафшон шаҳрида "Медиа ходимлари ва ижодкорлар боғи" фойдаланишга топширилди. Боғнинг очилиш маросимида Президент матбуот котиби Шерзод Асадов, Тошкент вилояти ҳокими Зойир Мирзев, фахрий журналистлар ҳамда медиа олами вакиллари иштирок этишди.



Аввал хабар қилганимиздек, қарийб 7 гектар майдонни эгаллаган мазкур масканни ташкил этиш ишлари ўтган йилнинг ноябрь ойида – давлатимиз раҳбарининг "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида бошланган бўлиб, оммавий ахборот воситалари ходимлари ва журналистика йўналишидаги олийгоҳлар вакиллари илк кўчатларни экишган эди. Бугун эса ушбу эзгу ишлар ўз натижасини кўрсатиб, бўш майдонда янги боғ барпо бўлди. Ҳудудда 4 мингга яқин манзарали кўчатлар экилган, сунъий ҳовуз ва унга ўрнатилган фаввора эса боғ кўркига кўрк қўшиб турибди.



### Ташриф



## ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТИ

Расмий ташриф билан мамлакатимизда бўлган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш Юқори Чирчиқ туманидаги қуввати 200 мегаватт бўлган "Acwa Power Riverside Solar" қуёш фотозлектр станцияси фаолияти билан танишди.

Дастлаб меҳмонга 2030-йилгача Ўзбекистонда яшил энергетикани ривожлантириш стратегияси, муқобил энергия ишлаб чиқариш соҳасида қувватларни яратиш дастури ҳақида тақдимот қилинди.

Жумладан, Саудия Арабистонининг "Acwa Power" компанияси томонидан Тошкент вилоятида қиймати 400 миллион долларлик, 200 мегаватт қувватга эга лойиҳа амалга оширилди.

Бунинг учун 460 гектар ер майдони ажратилган. Ҳозирги кунда 150 мегаватт электр энергияси ишлаб чиқарилмоқда. Келгусида Паркент туманида ҳам 500 мегаватт электр энергиясини сақлаш тизими ишга туширилади.

Мазкур саъй-ҳаракатлар натижасида 130 миллион куб. метр табиий газ тежалишига эришилди, атмосферага 180 минг

тонна зарарли газлар чиқишининг олди олинди.

Асосий мақсад аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини энергия ресурслари билан барқарор таъминлаш, электр энергияси ишлаб чиқаришда табиий газдан фойдаланишни камайтириш ҳамда қайта тикланувчи энергия манбалари кўламини кенгайтиришдир.

Тақдимотда БМТ Бош котиби мамлакатимизда қуёш ва шамол энергетикасини ривожлантириш учун улкан салоҳият мавжудлигини айтиб ўтди. Шунингдек, бу борада амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар иқлим ўзгаришига қарши курашиш соҳасидаги мақсад ва вазифаларга эришишга хизмат қилиши таъкидланди.

Тошкент вилояти ҳокимлиги Ахборот хизмати



## ЧИҚИНДИ... СОТИБ ОЛИНАДИ



### Тажриба

Бугунги кунда чиқинди муаммоси нафақат Ўзбекистонни, балки бутун дунё аҳлини ташвишга солмоқда. Кўчада кетаётган одамнинг қўлидаги пластик идиш ёки бошқа чиқинди биз учун муаммо бўлиб кўринади. Ваҳоланки, мазкур чиқиндини нафақат тўғри тарзда йиғиб йўқ қилиш, балки ундан яхшигина моддий фойда топиш мумкин.

Президентимизнинг 2024 йил 4 январдаги "Чиқиндиларни бошқариш тизимини такомиллаштириш ва уларнинг экологик вазиятга салбий таъсирини камайтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонида кўра, 2024-2026 йилларда – Тошкент, Ангрэн ва Бухоро шаҳарлари ҳамда Тошкент туманида чиқиндиларни "қайта ишланадиган", "қайта ишланмайдиган" ва "озиқ-овқат" тоифаларига саралаган ҳолда йиғиш бўйича тажриба ўтказилиши ҳамда ушбу турдаги чиқиндиларни йиғиш учун алоҳида пакетлар аҳолига бепул берилиши, шунингдек, кўп қаватли уйлар жойлашган ҳудудларда чиқинди йиғиш майдонларида "қайта ишланадиган" тоифага мансуб чиқинди турлари аҳолидан сотиб олинishi белгиланган.

3

### "Тошкент ҳақиқати" йўқлови

## "Эски қовунчи" да

дув-дув гап



Яқинда "Янги Ўзбекистоннинг ибратли оиласи" кўрик-танловида Янгийўл туманининг "Эски қовунчи" қишлоғида истиқомат қилувчи Ҳидоятловлар оиласи нафақат туманда, балки вилоят ва Республика босқичларида ҳам ғолиблар қаторида эътироф этилди ва аънамага мувофиқ, "Ибратли оила" кўрак нишони билан тақдирланди. Бу қовунчи хабар чор-атрофга яшин тезлигида тарқалди. Хонадон эгаларини қутлаб келувчиларнинг кети узилмади. Хуллас, бу хабар "Эски қовунчи" да дув-дув гап бўлди.

Юртимизда ҳаммамиз фахрланадиган, ёшлар ибрат оладиган оилалар кўпаяверсин. Шу ниятда биз ҳам хонадон соҳиблари Марямжон опа ва Шавкат ака Ҳидоятловлар оиласини қутлагани бордик ва файзли хонадонда узоқ давом этган гурунгимиздан олган таассуротларимизни сизга ҳам илдиндик...

4

Боғда асосан павлония кўчатлари экилган. Мазкур нави-нинг ўзи хос жиҳати шундаки, у маҳаллий иқлим шароитига жуда тез мослашади, 5 йилда баландлиги 30 метргача етиши мумкин.

Очилаш мароси-мида сўзга чиққан вилоят раҳбари барчани эзгулик ва ижод ошёни билан кутлади.

– Янги боғ қалам аҳли учун чинакам ижод масканига, нурафшон-ликлар ва шаҳар меҳ-монлари учун сўлим хиёбонга айланади,

– деди Зойир Мирзаев. – Ижодкор борки, табиатдан илҳом олади. Умид қиламанки, келаси йил Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходим-лари кунини барчамиз жамулжам бў-либ айнан мана шу боғда нишонлай-миз.



# Кутилган байрамнинг кутилмаган тўхралари



Эътиборлиси, бу гўша ҳозирданоқ ҳудуд аҳолисининг сеvimли масканига айланади улгурди.

– Янги боғга сайр қилгани оила аъзоларимиз билан келдик, – дейди Муштарий Носирова. – Нурафшонда шундай сўлим маскан очилганидан жуда хурсандимиз. Бу ишга бош кўшган-ларга минг раҳмат!

Байрам шарафига сўлим “Қибрай” сиҳаттоҳида ОАВ ходимлари, блогер-лар ҳамда фахрий журналистлар учун дастурхон ёзилди. Вилоят ҳаётини ёритишда фаол бўлган бир гуруҳ жур-налист ва блогерлар ҳоқимлик томони-дан фахрий ёриқ ҳамда қимматбаҳо совгалар билан тақдирландилар. Эли-


миз ардоғидаги хонандалар ижроси-даги куй-қўшиқлар эса даврага янада кўтаринкилик бағишлади.

– Бугунги тадбир биз – журналист-ларга улкан эътиборнинг яққол ифода-си бўлди, – дейди “Нурафшон” теле-канали муҳбири Гулнора Отажоновна. – Президентимизнинг байрам муно-сабати йўллаган табриклари барча-мизни беҳад руҳлантирди. Бу биз учун улкан шараф. Келгусида билдирилган ишончни оқлаш учун янада самарали меҳнат қиламиз.

**Сухробжон САДИРОВ,**  
“Тошкент ҳақиқати” муҳбири  
*Жалолиддин ЭСОНОВ*  
олган суратлар

**Назорат**  
Тошкент вилоятидаги ай-рим фермер хўжаликлари гектаридан 100 цент-нердан ғалла ҳосили олаётганининг сирини би-ласизми? Сифатли уруғлик ортидан келадиган барака омборларимизни донга, дастурхонла-римизни нонга тўлдиради.

Тошкент вилоятида 2024 йил ҳосили учун ғаллачилик кластерлари ва фермер хў-жаликлари томонидан 103 минг гектар майдонга бугдой экилиб, агротехник талаблар бўйича парварिश қилини-ши натижасида мўл ҳосил етиштирилди. Давлат захир-расига ва вақтинча сақлаш учун топширилаётган буг-дойнинг ўртача намлиги, ифрослик аралашмаси, дон-



## “ЎЗ БОТМОН”НИНГ СИРИ

ли аралашмаси, натураси, клейковина миқдори, сифа-ти (ИДК кўрсаткичи), шаф-фофлиги “Узгроинспекция” томонидан назорат қилиб борилмоқда.

– Мамлакатимизда экиш учун тайёрланадиган уруғ-ликларга замонавий инно-вацион технологиялар асосида ишлов берилгани сабабли кейинги йилларда ғалладан юқори ҳосилдорликка эри-шилмоқда, – дейди инспек-циянинг вилоят бошқармаси мутахассиси Шерзод Усуб-алиев. – Жорий йил вилоят-да ўртача ҳосилдорлик 67,4 центнерни ташкил қилмоқда. Шунингдек, шартнома маж-буриятларини бажарган фермер хўжалиқларининг 85 дан ортми гектаридан 90-100 центнердан юқори ҳосил олишгани ҳам уруғнинг сиф-фатлилигидан.

Мутахассисларнинг бер-ган маълумотига кўра, жо-рий йилда ўтказилган дала апробация кўригида Тош-

лоят бошқармаси ва туман бўлимларининг уруғчилик мутахассислари бириктири-либ, уруғлик дон жамғариш жараёни назоратга оли-ган. 1 июль ҳолатига кўра, 11 минг 164 тонна сифатли сара уруғлик дон қабул қи-лингн ва навлар авлодлар бўйича алоҳида тўдаларга жамғарилган.

Дала майдонларида ўрилган бугдой дон сақлаш шахобчаларига олиб борил-гач, аввал намуна олинади ва у бир қанча талаблар асосида текширилиб, ке-йин жойланади. Албатта, бу унинг нархига таъсир қи-лади. Мутахассисларнинг айтишича, сифатли бугдой учун устама берилса, сифа-ти паст бугдойдан чегирма қилинади.

“Узгроинспекция” хузу-ридаги “Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сифатини баҳолаш маркази” давлат муассасаси марказий ла-бораториясида инсон оми-



кент вилоятида 7 минг 14 гектар уруғлик ғалла майдо-ни яроқли, 1 минг 113 гек-тар майдонда етиштирилган уруғлик бугдой эса яроқсиз деб топилди. Бунга агротех-ник тадбирларнинг вақтида бажарилмагани сабаб дея кўрсатилди.

Шунингдек, жорий йилда вилоятда “Ўздонмаҳсулот” АК тизимидаги 2 та дон кор-хонасининг 2 та шахобчаси, уруғчиликка ихтисослашган 1 та кластер корхонаси ва Уруғчиликни ривожланти-риш марказига қарашли 2 та уруғлик цехига жами 21 минг 900 тонна уруғлик дон жамғариш режалаштирилган бўлиб, Инспекциянинг ви-

ли иштирок этмаган ҳолда бугдой текширилиб, унга сертификат бериш замона-вий техникалар ёрдамида бажарилмоқда. Эндиликда фермер ва деҳқонлар сер-тификат олиш учун онлайн муурожаат қилишлари ҳам мумкин. Бу ҳам вақтни те-жайди, ҳам коррупция ҳо-латларининг олдини олади. Лабораториядаги шаро-итлар, қизгин иш жараё-ни келажакда янада сара уруғлар тайёрлишини таъминлайди.

**Нозима РАСУЛОВА,**  
“Тошкент ҳақиқати”  
муҳбири  
*Жалолиддин ЭСОНОВ*  
олган суратлар

### Таълим



26 НАФАР

## БИТИРУВЧИ ИМТИЁЗЛИ ДИПЛОМ ОЛДИ

Ўрта Чирчиқ тумани агросаноат ва транспорт касб-хунар мактаби битирувчиларига диплом топшириш маросими бўлиб ўтди.

– Сўнги йилларда касб-хунар мактаби битирув-чиларининг бандлигини таъминлаш, олий таълим му-ассасаларида тахсил олиш-ларига кўмаклашиш бўйича қатор ишлар амалга оширил-моқда, – дейди Олий таъ-лим, фан ва инновациялар вазирлиги вилоят бошқарма-си бошлиги Насиба Кулбеко-ва. – Хусусан, ҳар бир таъ-лим маскани ўқувчиларнинг

фар ўқувчи тамомламоқда. Эътиборлиси, уларнинг 26 нафарига имтиёзли диплом топширилди.

– Коллежда ўтган 2 йилда кўплаб ютуқларга эришдим, – дейди Севдона Баҳодиро-ва. – Жумладан, устозларим-нинг берган билимлари ту-файли IELTS сертификатига эга бўлдим, ўқиш якунида ҳайдовчилик гувоҳномасини ҳам олдим. Айниқса, имти-



амалиёт ўташи, келгусида иктидорлиларини ишга қабул қилиш бўйича бир неча таш-килотлар билан ҳамкорлик-ни йўлга қўйган. Шунингдек, таълим жараёнларида аъло баҳоларда ўқиб, касб-хунар мактабларини қизил диплом билан тамомлаган ўқувчи-ларга олийгоҳларга кириш имтиҳонларида кўшимча имтиёзлар тақдим этил-моқда. Буларнинг барчаси ёшлар келгусида ўз соҳала-рининг етуқ мутахассислари бўлиб етишишлари учун кў-шимча имкониятдир.

Жорий йилда мазкур таълим даргоҳини 263 на-

эзли диплом топширилган-даги қувончимни сўз билан таърифлаб бера олмайман. Бунинг учун барча устозла-ринимга раҳмат айтаман. Кел-гусида олийгоҳларда аъло баҳоларда ўқиб, билдирил-ган ишончни оқлашга ваъда бераман.

Бундан ташқари, ўз били-ми, ҳуққи билан бошқаларга ўрнак бўлган бир гуруҳ ўқу-вчиларнинг ота-оналарига касб-хунар мактаби раҳба-рияти томонидан ташаккур-номалар топширилди.

**С. ЖўРАЕВ**  
*Жалолиддин ЭСОНОВ*  
олган суратлар

### Имконият

## СОБИҚ МИГРАНТ ЭНДИ ТАДБИРКОР

Қибрайлик Асқар Турғунбоевнинг анча вақтдан бери мўқим иши йўқ эди. Маълум муддат хорижда ҳам ишлаб келди, аммо топгани рўзгордан ортмади. Хўжалигида томорқаси бўлату-риб, ундан ҳам унумли фойдаланмасди. Нима иш билан шуғулланишни билмай, боши қотиб юрганида маҳалланинг ҳоқим ёрдамчиси ва ёшлар етакчиси унга йўл кўрсатишди. Аввало, ёшлар етакчиси унинг нимага қизиқишини ўрганди. Қараса, Асқарнинг қўлидан яхшигина иш келадиган, фақат ёрдам берилса бас. Шундай қилиб, Асқарни “Ёшлар дафтари”га киритди. Ҳоқим ёрдамчисининг кўмаги билан унга 33 миллион сўм кредит ажратилди.

Асқар кредитни бошқалар қатори тикув машиналари, қишлоқ хўжалик техникаси ёки хизмат кўрсатиш шахобчалари очигна сарф-ламади. У қўзиқорин етиштиришни танлади. Сабаби, Асқар хорижда қўзиқорин етишти-ришни яхши ўрганиб олганди. Билган одамга қўзиқорин етиштириш унчалик қийинчилик ту-ғдирмайди. Меҳнатидан қочилмася, йил бўйи ҳосил олаверасиз.

А. Турғунбоев хонадо-нида баравж ривож-ланаётган қўзиқо-ринларнинг ҳосили мўллиги кўриниб турибди. Маълум-ки, қўзиқориннинг нархи ҳам чакки эмас. Айни кунда бир килограмм маҳсулотнинг ул-гуржи нархи 25-30 минг сўм.

– Айниқса, “Ве-шенка” навли қўзиқорин етиштириш қишлоқ хўжали-гининг энг сердаромад тармоғига айланиб ул-гурди, – дейди Асқар Турғунбоев. – Уни пар-вариллаш жуда оддий. Иккиламчи хом ашё – шелуха махсус қолларга жойланиб, уруғ қадалади, қишда иссиқ жойда, ёзда салқин-да парваришга қўйилади. Уруғлар ўн-ўн беш кунда “бош кўтариб” ҳосил бўли босилади. Икки килограмм шелуха солиниб, битта қопга жойланган уруғлар 10-12 килограммгача ҳо-сил беради. Аҳамиятлиси, уларни етиштириш чикитсиз жараён ҳисобланади. Қопларнинг ичида қолган қўзиқорин қолдиқлари билан уй ҳайвонларини боқиб ёки полизни ўғитлаш мумкин. Хуллас ишларимиз юришиб кетди. Кўп пул топиш илинжида чет давлатларда сарсон бўлиб, эзилиб юрибман. Мана, ўз юртимда, ои-лам бағрида яхшигина даромад топиш мумкин эканку?!

– Уй шароитида қўзиқорин етиштириш қи-йин эмас, – дейди уй бекаси Гулсара Турғунбо-ева. – Бу айнан аёлларбоп иш. Йилга 4-5 мар-та ҳосил олиш мумкин. Бунда сарфлаган бир

сўмингиз уч сўм бўлиб қайтаркан. Қолаверса, қўзиқорин гўшт ўрнини босадиган, турли касал-ликларга шифо маҳсулот.

Оила бекаси қўзиқорин уруғини экиш ва парвариллаш жараёни ҳақида гапириб берди. Аввалига қўзиқоринлар учун озиклантирувчи муҳит тайёрланади. Бунинг учун майдаланган чигит пўчоқларини қайноқ сувга солиб дамлай-миз ёки қайнатамиз. Совуғач 40x80 см. катталиқдаги полиэтилен қопнинг ичига солиб, уруғлик билан аралашти-рилади. Намлиги ўртача бўлиши керак. Қопнинг озгини боғлаб, стеллажга қўйи-лади. Иккита чети очиқ тура-ди. Хона албатта қоронғи, ҳарорат эса 18-20 даража бў-лиши керак. 16-20 кун ўтгач, икки четидан жажжиги-дан қўзиқоринчалар шодаси кўрина бошлайди. Ора-орада хона шамоллатиб турилади ва ал-батта, намлик ҳам бўлиши шарт.

Ёш оила етиштираётган қўзиқоринлар бу-гунги кунда Чирчиқ ва Тошкент шаҳарлари бо-зорларига жўнатишмоқда.

“Йимавут” маҳалласи ҳоқим ёрдамчиси Мирзабек Йўлдошбоевнинг айтишича, Турғун-боевлар уй шароитида қўзиқорин етиштири-ши бошлаган “қалдирғоч” оила экан. Эндиликда маҳаллада уларнинг ишига ҳавас қилаётган-лар кўпаймоқда. Сабаби, Турғунбоевлар оила-сига 100 миллион сўм гаровсиз кредит ажра-тилди ва хонадонда иссиқхона қуриш ишлари бошлаб юборилди. Маълум вақтдан кейин хо-надон эгалари маҳалладошларига қўзиқорин экиш, уруғ етакчи бериш борасида йўл-йўриқ кўрсатишди. Қарабсизки, маҳаллада ишсиз-лар камаяди, одамларнинг даромади ортади.

**Нозима АРСЛОНОВА**  
*Жалолиддин ЭСОНОВ*  
олган сурат

### Эълон

#### Тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!

#### “ZAMONAVIY REALTOR XIZMATI” МЧЖ очик танлов савдоларига таклиф этади!

“ZAMONAVIY REALTOR XIZMATI” МЧЖ томонидан ташкил этиладиган очик танлов савдоларига “Чилон-зор буюм савдо комплекси” АЖнинг 2024 йил 27 июн-даги 608-сонли бюртманомасига асосан, “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида жойлашган сав-до шахобчаларининг ижарага олиш ҳуқуқи кўйилмоқда:

№	Савдо шахобчаларининг асо-си тавсифлари	Бошлангич баҳоси сўмда
1	3-21-1-сонли, умумий майдони 6 м² бўлган савдо шахобчаси	28 059 642
2	4-21-7-сонли, умумий майдони 6 м² бўлган савдо шахобчаси	28 059 642
3	9-1-11-сонли, умумий майдони 50 м² бўлган савдо шахобчаси	233 830 350
4	9-1-12-сонли, умумий майдони 25 м² бўлган савдо шахобчаси	116 915 175
5	12-2-2-сонли, умумий майдони 6 м² бўлган савдо шахобчаси	28 059 642

Савдода иштирок этиш ис-тагани билдирган талабгорлар-дан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Таклифларни қабул қилиш 2024 йил 26 июль соат 16:00 да тўх-татилади.

Талабгорларнинг таклифлари 2024 йил 30 июль соат 11:00 дан бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори таклиф-ни берган талабгор билан со-тувчи ўртасида келишув бити-ми тузилади.

Танлов савдоси шу кунни бў-либ ўтмаган тақдирда, такро-рий савдолар 2024 йил 14, 29

август, 12, 26 сентябрь, 10, 24 октябрь, 7, 21 ноябрь, 5, 19 де-кабрь кунлари сотилгунга қадар соат 11:00 да ўтказилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертга со-линган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги ҳуж-жатларни тақдим этади:

– юридик шахслар учун дав-лат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома нусхаси;

– жисмоний шахслар учун СТИР ва паспорт нусхаси.

Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги суммани закатлат сифатида “ZAMONAVIY REALTOR XIZMATI” МЧЖ-нинг ХАТБ “DAVR BANK”

Олмазор филиалидаги х/р: 20208000905740427002, МФО: 01121, СТИР: 311 041 441 га сав-дода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк куни ичида сотувчи билан ижара шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Савдо ташкилотчиси жой-лашган, савдолар ўтказилади-ган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилина-диган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13А-уй. Теле-фон: (71) 237-23-82.

Экология, атроф-муҳитни муҳофазга қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Санитар тозалаш ишларини ташкил этиш республика маркази томонидан Тошкент вилоятининг Ангрен шаҳрига пресс-тур ташкил этилди.

Пресс-тур давомида Ангрен шаҳрининг “Нурчи” маҳалласида жойлашган “Zero waste” давлат-хусусий шериклик битими асосидаги санитар тозалаш корхонаси бош директори Ҳабибулло Хусанов бу борада амалга



лақо ноодатий кўринишда қайта тикланди. Чикиндиларни барпо этишда асосан иккиламчи маҳсулотлардан, чикиндилардан фойдаланилди. Мисол учун, ташлаб юборилган турли кўринишда-

ралаб ташлагга одатлана бошлади. Хусусан, қора пакет қайта ишланмайдиган чикиндилар учун, оқ пакет қайта ишланадиган чикиндилар учун ҳамда жигаранг пакет озиқ-овқат чикиндилари (био чикинди) учун ишлатилишига аҳамият берилмоқда.

Маълумот учун, қайта ишланган шиша идишларнинг 92 фоизи юқори сифатли материал беради ва уни яна ичимлик идишларида ишлатиш мумкин. Пластик идишларни қайта ишлаб, яна фойдаланишдан ташқари, улардан электр

океанларни ифлослантиради.

Энг бош мақсад чикиндиларга иккинчи “ҳаёт” бериш. Олдинлаги республика бўйлаб йиғилган чикиндилар полигонларга жўнатилиб, ер остига кўмиб юборилган. Вақт ўтгани сари полигонлар сони кўпайиб борган. Полигонларда чикиндиларнинг ер остидаги кимевий парчаланиши атроф-муҳитга карбонат ангидрид ва метан газ чиқаради. Бу эса атмосферадаги иссиқликни ушлаб, сайёрамизга таҳдид соладиган иссиқхона эффектини яратди. Чикиндиларга нисбатан нотўғри муносабат сабабли мана шу улкан хавфга ҳис-

эж сезилади. Агар аҳоли белгиланган пакетларга чикиндиларни сараланган тарзда жойласа, анча вақт ва маблағ тежаллади. Сараланган чикиндиларга талаб бўлгани боис, ҳатто Россиядан импорт қилинади. Шунингдек, озиқ-овқат чикиндилари ҳам алоҳида ташланса, ундан керакли ўғит тайёрланади. Қайта ишлаш учун тўртта асосий турдаги чикиндилар мос келади: пластмасса, шиша, металл, қоғоз. Шу билан бирга, хавфли чикинди турлари ҳам бор.

Бу борада аҳолини рағбатлантириш кўпгина ривожланган давлатларда ўзини оқлаган тажриба. Мамлакатимизда ҳам илк бор аҳолидан қайта ишланадиган чикиндиларни харид қилиш тажрибаси йўлга қўйилмоқда.

Янги тартибга кўра, (QR-код – матрицали штрих кодли) фуқаролар чикинди пакетлари билан бепул таъминланади. Шунингдек, аҳолини рағбатлантириш мақсадида махсус дастур ҳам яратилган. Бунинг учун “tozauz.uz” иловаси юклаб олинади, телефон рақам орқали рўйхатдан ўтилади.

Мухтасар айтганда, аҳоли чикиндини қайта ишланадиган, қайта ишланмайдиган ва органик тоифага ажратиб, шаҳобчага олиб боради. Тадбиркор эса қайта ишланадиган фойдали чикиндини аҳолидан сотиб олади. Ушбу тизим дастлабки босқичда Тошкент, Андижон, Бухоро, Термиз, Ангрен шаҳарлари ва Тошкент туманида йўлга қўйилиши режалаштирилган.

Хабарингиз борми?

МАВЗУГА ДОИР

Сизда маиший чикиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича муаммо борми? Маиший чикиндиларни олиб кетмаганлик учун тўлов миқдорини қайта ҳисоблатиш мумкинлиги ҳақида биласизми?



Бу каби ҳолатларда кўрсатилмаган ёки тегишлича сифатда бўлмаган хизматлар тўғрисида далолатнома тuzилиши керак бўлади. Ушбу далолатнома истеъмолчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилот ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати вакиллари ширкати вакиллари томонидан имзоланади. Далолатнома маиший чикиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича тўловлар миқдорини қайта ҳисоб-китоб қилиш учун асос ҳисобланади.

Маълумот ўрнида: далолатнома истеъмолчи, хизмат кўрсатувчи ташкилот, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати вакиллари ширкати вакиллари томонидан имзоланади. Шунингдек, хизмат кўрсатувчи ташкилотнинг вакили келмаган ёки далолатномага имзо қўйишдан бош тортган тақдирда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати вакилининг имзоси етарли ҳисобланади.

Мисол учун, хонадонда жами 7 киши истиқомат қилса, улар ҳар ойда маиший чикинди учун 50 минг сўм тўлов қилади. У истиқомат қиладиган ҳудудга май ойида чикиндиларни олиб кетиш учун бириктирилган санитар тозалаш корхонаси 8 марта эмас, 4 марта хизмат кўрсатган бўлса, фуқаро махсус оқ учун 25 минг сўм тўлов қилиши керак. Ушбу ҳолат эса фуқаро, санитар тозалаш корхонаси ва маҳалла вакиллари иштирокатида далолатнома орқали расмийлаштирилиши лозим бўлади.

Эслатиб ўтамыз, қаттиқ маиший чикиндиларни олиб чиқиб кетишнинг минимал даврийлиги чикинди тўплаш шаҳобчаларидан – бир кунда бир маротаба ва яққа тартибдаги тураржой секторидан эса “сигнал” усулида – уч кунда бир маротаба ташкил қилади.

Махсус тартиб Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 февралдаги 95-сон қарори билан тасдиқланган “Қаттиқ ва суяқ маиший чикиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар кўрсатиш қоидалари”га асосан белгиланган.

ЎЗА

ЧИҚИНДИ... СОТИБ ОЛИНАДИ

оширилаётган ишлар ҳусусида маълумот берди.

– Сунги йилларда табиий ресурслардан фойдаланиш ҳамми ва суръатининг ўсиб бориши туфайли инсониятнинг табиатга кўрсатаётган таъсири тобора кучаймоқда, – дейди Ҳ. Хусанов. – Замонавий чикиндилар фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида ҳудуддаги энг оғир шароитли чикинди йиғиш майдончаси танлаб олинди ва мазкур майдонча мут-

ги шиша буюмлар, куриган дарахт танаси каби чикиндилардан ажойиб дизайн яратишга уриндик. Сараланган чикиндилар учун алоҳида контейнерлар жойланди. Бундай саралаш сайёрамизни чикиндилардан тозалашнинг биринчи қадамидир. Тағриботни кучайтириш учун экологияга тааллуқли широрларни чикиндиларни деворларига жойладик. Ба-жарилган ишлардан аҳоли жуда мамнун. Секинлик билан бўлсада аҳолининг ўзи чикиндиларни са-



энергияси олиш мумкин.

Бутун дунё бўйлаб ишлаб чиқарилган пластмассанинг 91 фоизи қайта ишланмади. Хар йили 8 миллион тонна пластмасса

са қўшапмиз.

Эндиликда полигонга борган чикиндиларни қайта ишлаш учун заводларга юбориш йўлга қўйилди. Лекин қайта ишлашдан аввал чикиндини саралаб олиш мумкин. Бунда аҳолининг кўмагига эҳти-

Мутахассис маслаҳати

Маълумки, 25 июндан юртимизга ёзнинг энг иссиқ даври – «чилла» кириб келди. Ушбу иссиқ мавсум 5 августга қадар давом этади.

Жазирамадан сақланиш қоидаларини биласизми?

Бу даврда офтоб уришидан сақланиш жуда муҳим. Чунки кўёш уриши – хавфли бўлиб, у ташқи термал омиллар таъсирида организмнинг умумий қизиқ кетиши ва ҳароратни меъёрида ушлаб туриш қобилиятини йўқотиши натижасида юзга келади.

Мутахассисларнинг тавсияларига кўра, бу даврда сувсизланишнинг олдини олиш, кунига 3 литр миқдорда суяқлик (совитилган кўк чай, газсиз минерал сув, мевали, кам ёғли сутли ичимликлар) ичиш лозим. Тўғри тушадиган кўёш нурларидан сақланиш, ундан химояловчи кремлар, кўзоёнак ҳамда соябонлардан фойдаланиш керак. – Кўчага чиқаётганда очик

рангли табиий матодан тикланган энгил либослар ва иссиқдан сақлайдиган бош кийим кийиш зарур, – дейди Республика шовилнич тиббий ёрдам илмий маркази директори Дониёр Алимов. – Шунингдек, ёғли, қовурилган таомлардан тийилиш ва меъёрида мева-сабзавотлар истеъмол қилиш тавсия этилади. Таом, албатта, тузли бўлиши даркор. Чунки ҳаво ҳарорати юқори бўлганда одам организмидан кўп миқдорда натрий чиқиб кетади. Энг асосий эслатма шуки, кундузи соат 10:00 ва 16:00 оралиғида кўёш нури тушадиган очик жойларда юрмаслик лозим. Ҳаво ҳарорати юқори бўлганда оғир жисмоний ишларни чеклаш ва кўпроқ ёпиқ жойларда бўлиш мақсада мувофиқ. Ёш болалар,

кекса кишилар ва сурункали хасталиклар (юрак-қон томир, эндокрин, нафас олиш аъзолари, метаболлик ва рухий хасталиклар) билан оғрийдиган беморлар иссиқлик уришига кўпроқ мойил. Шу сабабли уларнинг саломатлигини мунтазам кузатиб бориш муҳим.

Бундан ташқари, иссиқ кунларда тез-тез душ қабул қилиш тананинг нафас олиш тизимини яхшилайдди. Сув хона ҳароратида бўлиши керак. Сувни кучли совитиш оқибатида ҳароратнинг кескин ўзгариши зотилжад касаллигига йўл очиб беради.

Бундай иссиқда кондиционерсиз қийин, албатта. Аммо кондиционер бор хонада унинг



рўпарасига ўтириш тақиқланади. Сабаби, кондиционернинг ишлаши жараёнида бактериялар совуқ ҳаво билан бирга хонада айланиб, сурункали бронхит ва пневмонияни кўзатиши мумкин.

Ушбу тавсияларга амал қилиш саломатлигини асрашга ва энг муҳим, ёз фаслининг ёрқин таассуротларга бой ўтишига хизмат қилади.

СПОРТ янгиликлари

Гандболчиларимиз Осиё қитъаси босқичида

Қозоғистоннинг Олмаота шаҳрида гандбол бўйича U-18 ўсмирлар ва U-20 ёшлар жамоалари ўртасида Халқаро гандбол федерацияси кубоги турнирининг 3-Осиё минтақаси босқичи бўлиб ўтди.

Ушбу нуфузли мусобақада Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Покистон, Тожикистон ва Туркменистон терма жамоалари ўзаро беллашишди. Кувонарлиси, мусобақанинг икки ёш тоифасида ҳам мамлакатимизнинг гандболчилари шохсупанинг чемпионлик погонасига кўтарилишга муваффақ бўлишди. Бунинг эвазига Ўзбекистон U-18 ва Ўзбекистон U-20 терма жамоаларимиз Халқаро гандбол федерацияси кубоги турнирининг Осиё қитъаси босқичида қатнашиш шарафига муяссар бўлишди.

Ҳумоюн вице-чемпион!

Бельгиянинг Брюссель шаҳрида M25 тоифасига кирувчи халқаро теннис турнири ўтказилди. Унда мамлакатимизнинг биринчи рақамли теннисчиси Ҳумоюн Султонов муваффақиятли иштирок этди.

Ҳ.Султонов яққалик баҳсларининг финалида нидерландиялик Максим Хаукесга қарши қорға чикди. Афсуски, бош соврин учун ўтган ўйинда теннисчимизга бироз омад етишмади. Шундай бўлса-да, у мусобақанинг вице-чемпиони сифатида эътироф этилди.

Шу тариқа, Ҳумоюн Султонов Бельгияда ўтказилган икки нуфузли мусобақанинг вице-чемпионига айланди ва ўзи учун қимматли бўлган АТР рейтинг очколарини кўлга киритди.

“Металлург”дан ғалабасиз серия

Футбол бўйича Ўзбекистон Суперлигаси 5-турининг қолдирилган учрашувида Бекободнинг “Металлург” жамоаси ўз майдонида “Олимпик” клубини қабул қилди. Голларга бой ўтган баҳсда бекободликлар йезирик 1:4 ҳисобида мағлуб бўлди. Мезбонларнинг ягона голига Марко Миллинкович муаллифлик қилди.

Махсус натижадан сўнг “Металлург”нинг очколари 7 талигича қолди. Жамоа биринчи даврдан сўнг 14 клуб орасида энг охириги ўринни эгаллаб турибди. Бекободликлар давом этаётган чемпионатда ҳали ғалаба қозона олгани йўқ.

Интернет материаллари асосида тайёрланди

Бир ҳақим саҳрода сайр этиб юраркан, ногоҳ ўз патларини юлаётган товусни кўриб қолди ва унга деди: “Эй товус! Шундай ажойиб, кўркам патларингни қандай қилиб шафқатсизлик билан туб-тубидан юляпсан? Шундай ноёб, қимматбахонарсани олиб, лойга улоқтиришга қандай журъатинг етди? Ҳар бир патинг ноҳир ва чиройли бўлгани учун ҳофизлар уни Қуръон саҳифалари орасига қўядилар. Фойдали ҳаво ҳаракатини яратиш мақсадида патларингдан елпуғич ясайдилар. Бу қандай ношукрлик, бу қандай кўрқув билмаслик? Унинг Наққоши ким эканлигини наҳотки билмасанг? Ёки била туриб ноз қиляпсанми? Бу безакларни атайлаб юляпсанми?”

Гуноҳ саналган, бандани шохнинг назаридан йироқлаштирадиган нозу истиғнолар қанчалар кўпди! Нозу ишвагарлик шакардан ҳам лаззатлроқ бўлса-да, уни камроқ егин, чунки унда юзлаб хавфу хатарлар бор. Беҳабарлик эҳтиёж йўлида истиқомат қилади. Баски, шундай экан, сен нозу истиғнони тарк этиб, ўша йўл билан муносабатингни тиклагин. Нозу қарашма билан қанот ёйганларнинг ҳадди-ҳисоби йўқ, аммо охири-охирида бу улар учун бахтсизлик келтирди. Нозу ишвагарлик завқи бир лаҳза юксалтирса, кўп ўтмай ундаги яширин ваҳму кўрқув сени маҳв этади. Эҳтиёж эса, гарчи у танингни ҳолдан тойдирса-да, кўксингни порлаб турган тулун ойга айлантиради. Токи Аллоҳ ўлиқдан тирикни чиқарувчи экан, ким ўлим топса, у тўғри йўлдан кетаётган бўлади. Аллоҳ тириклардан ўлиқларни яратаркан, тирик нафс ўлигига қараб интилади. Улиқ бўл, токи “ўлиқдан тирикни чиқарувчи” Зот бу мурдадан тирикни чиқарсин. Қиш бўлсанг, баҳорнинг яқун топганини, тун бўлсанг, куннинг кирганини кўрасан. Эй хуриқо, кўр-

гулигу мотам туфайли қайта тиклаш маҳол бўлган патингни ҳамда тонг кўёшига ўхшаган юзингни асло юлмагин! Бундай юзни тириш – гуноҳ! Бундай юздаги тирноқ қолдирган жароҳатлар кофирликдир, чунки ой юзи уларнинг ҳажрида йиғлайди. Ёки сен ўз юзингни кўрмаяпсанми? Бундай терсу инжиқ феълингдан воз кечгин!

Товус йиғидан тўхтаб деди: “Кет бу ердан, чунки сен рангу хид асирсан ахир! Мана шу қанотларин туфайли менга тўрт томондан юзлаб хавфу хатарлар ёғилаётга-

Жалолиддин РУМИЙ Патларидан жоним азизроқ (“Маънавий маснавий”дан)

нини наҳотки кўрмаётган бўлсан! Шу патларимни деб ҳар ерда менга тузоқ қўяётган раҳмсиз овчиларнинг сон-саногии йўқ! Қанотларимни деб, менга мўлжалланган ўқларини бўшатаётган ёйандозлар ҳам истаганча топилади. Токи менда бу ҳўкма, бу ҳамлага, бу синовага қарши куч ва иқтидор йўқ экан, тоғу саҳроларда хатардан йироқ бўлишим учун хунук ва бадбашара бўлганим афзалроқдир. Бу қилган ишим манманлигимга, ўзимга бино қўйишимга қарши қуролга айланди. Ахир манманларга, такаббулларга юзлаб балолар ёғдирадиган ҳам уларнинг манманлиги, такаббуригига эмасми!”

этайди. Шундай экан, патлар зарар келтирмайдиганларга: “Уларни юлмагин!” деб айт. Уларда учаётган ўқларни тўсғувчи қалқони бор. Аммо, токи ўзимни намоен қилишдан тийилмас эканман, чиройли патларим менинг қаттол душманларимдир. Агар сабуру камтарлигим мен учун раҳимона бўлганда эди, танлов имкониятидан улғуворлигим ва шоним юксалган бўларди. Мен худди гўдак ёки мастга ўхшайман: васваса ичра қўлим тиг туттишга лойиқ эмас. Агар менда жиндак ақл ва барқарорлик бўлганда эди, қилич менинг қўлимда ғалаба келтирувчига айланарди.

Чоршанба ҳикмати

Менга кўёшдек нур таратувчи, тегишли равишда, зарур бўлгандагина тиг билан зарба берувчи ақл керак. Модомки, менда ярқироқ ақлу идрок ва мулоҳазакорлик йўқ экан, қурол-яроғимни қудуққа ташлашдан ўзга не иложим бор? Айни дамда қилич ва қалқонимни қудуққа ташлаيمان, акс ҳолда улар душманимнинг қуролига айланади, куч, мадад ва таянчим йўқлиги боисидан душманларим қиличминни мендан тортиб олиб, у билан ўзимга зарба беради. Мен ўзини яширмаган, тубан хулқ-атворли нафсга қасдма-қасд равишда, жамоли ва камолини қамайтириш учун ўз юзини юламам. Қачонки, юзини гўзаллик тарк этса, кўнгилсизликлар ва ноқулай вазиятларга камроқ дучор бўламан. Агар мен уни шу ният билан тиринам, бу гуноҳ саналмайди, чунки бу юзни жароҳатлар остида яширишим керак! Агар юрагим камтарона хулқ-атворли бўлганда эди, гўзал чехрам покликдан ўзга нарса пайдо этмаган бўларди. Ўзимда қудрат, қобилият, мулоҳазакорлик кўрманимдан сўнг, душманимни қўрғач, қиличмин кўшимча чора, восита бўлмай, ханжарим ўзимга ҳалокат келтирмай бурун тезлик билан қуролларимни синдирдим. Токи томиримда қоним айланар экан, мен қочаман. Ўздан қочиш осонми? Кимки бошқа бировдан қочаркан, ундан ўзоқлашган тинчланади. Менким, ўзимга ўзим душман эканман, қочиш билан овораман. Дам-бадам ирғиб туриш ва қочиш бир умрлик машғулотиридир. Зеро, душмани ўзининг сояси бўлган кимсани Ҳинда ҳам, Ҳўнда ҳам хавфу хатарлар таъқиб этаверади.

Таржимон ва насрий баён муаллифи Одил ИКРОМ

## "Тошкент ҳақиқати" йўқлови

## 1. ДАДАСИНИНГ "СОВЧИСИ"

— Дехон зоти шунақа: ишга чечан, гапга нўққа бўлади, болам. Жағ деган нарсани хотин кишига берган. Мен гап биламанми? Катта кетмонни қўлимга тутқазиб, мендан қайси экинни қандай экиб, қандай парвариш қилишни сўрасин. Мухбирларингиз қизик бўларкан: энди келгуси режаларингиз ҳақида гапириб беринг, дейди... Режани пешонага ёзиб қўйган-ку, ундан ўтиб бандаси нимаёям дерди! Урининг ҳали довучча солгани йў-у, кузда қанча мева беришини қайдан биласан? Ундан кўра, ниятни тоза қилиб, ёлгон сўзламай, лўқманга ноҳалол аралаштирмай, Худодан баракасини сўра, баракка топкур, ҳосилини олаверасан!..

Бу гапларни бундан кўп йиллар аввал газета мухбирларини кузатиб қайтган, Восиж ота айтган. Шу тобда ёдига тушди. Бекорга эмас. Кеча аёли: "Хўжайин, эртадан кейин уйимизга мухбирлар келармиш, сиздан интервью олишаркан, тайёрлашиб юринг", деганидан кейин эслади.

Шавкат ўшанда ўқувчи эди. Уйига ручка-блокнот кўтариб келган мухбирларни райкомдан келишди, деб кўриб кетган. Томга чиқиб, беркин олганимиз рост. Чунки "айби" бор эди. Боз устига синфдошлари: "Шавкат, муаллим олоимизни шарманда қилдинг, энди райкомдагилар уйингга бориб, қилган ишини даданга айтиб беришади. Дадан роса саваласа керак-а", деб қўрқитишганди-да...

Йўқ, у муаллимни уялтироқчи эмасди. Аксинча, уни ҳамма синфдошларидан ҳам кўпроқ яхши кўрарди. Шунинг учун дарсинг охирида ўқитувчиси одатдагидек: "Хўш, кимда қанақа савол бор?" деб сўрагани, қўлини кўтарди.

— Опой, савол эмас, битта илтимосим бор эди, агар хўп десангиз...

— Қанақа илтимос, Хидоятлов? Тортинма, айтaver...

— Опой, менинг онам йўқ... — деди кўзларини ерга қадаб. — Лекин дадам жудаям яхши одам. Шунинг учун сиз дадамга... эрга тегин!

Синфда "гур-р" этиб кулгу кўтарилди. Кимдир тиржайиб ёнидаги у-бу деди, бошқаси бошини партага яшириб, ҳиринглаб кўйди. Шавкат эса алмадан не қилишини билмас, уни мазах қилаётган тенгурларига биринчи марта юрагидани очиб гапиришга журъат қилди:

— Ха, сенлар кулавер! Чунки ҳаммангиз оналаринг бор! Мени-чи, мени? Оналик бўлишга ҳақим йўқми мени?!

Йўқ, бу ёғига чиқолмади. Папкасини кўкрагига босиб, хонадан чиқиб кетди. Мактаб йўлагига кўзида ёш билан кетар экан, ортдан чиқиб борган энг яхши кўрган устозини: "Хидоятлов, сен хафа бўлма, болам, ўртоқларинг сени тушунмади", деган гаплариниям эшитгиси келмасди...

## 2. ЯНГИЙЎЛЛИК ШОТА РУСТАВЛИ...

...ким экан деб ажабланманг. Бу — кўк йил аввал қахрамонимиз Шавкат Хидоятловга Грузияда берилган "тахаллус".

У 1966 йили Янгийўлнинг "Эски қовунчи" қишлоғида туғилган. Пада-ри бузуқвори Восиж ота оддий ишчи, онаси Малика ая Маликова уй бекаси эди. Оилада уч фарзанднинг кенжаси бўлган. Шавкат 44-мактабни яхши баҳоларга битирган бўлса-да, айрим синфдошлари каби бирданга пойтахтдаги катта олий ўқув юртиларига ҳужжат топширмади. Ўқишни уйдан бир неча бекат наридаги илм маскани — ошпаз ва технолог мутахассислар тайёрлайдиган техникумда давом эттирди. Лекин Лазоқат Қаймова раҳбарлик қиладиган бу илм масканида ўқиганлар унча-мунча институт талабаларидан қолишмайдиган мутахассислар бўлиб чиқарилди. 1984 йили унга опти амалиётни Грузияда — айнан Махалашвили деган машхур санъаткор яшаб ижод қилган тоғлар бағрида ўташ насиб этди.

Грузиядан қайтган, ҳарбий хизмат... Сўнг Янгийўл консерва заводига технолог бўлиб ишлаб юрган 1987 йили Марямхон билан тўйлари бўлди. У янги келинчак Марямхонга ҳар сафар Грузия таассуротларини тўлиб-тошиб сўзлаб бераркан, қачонлардир бу афсонавий тоғлар диёрига бирга саёҳат қилишларини ич-ичидан орзу қилиб кўрарди, холос. Негаки, у пайтлари орзудан бошқасига йўл йўқ эди...

Хозирда уларнинг уч ўғил ва олти нафар невараси бор. Уйиллар ўқимашли, эсли-хушли йигитлар чиқиди. (Давоми. Бошланиши 1-саҳифада)

Бир кўшиқда: "Дадасининг армонларин улдирар, аясининг сандиқларин тўлдирар", деб қуйланганидек бўлди.

Дарвоқе, сизни юқоридаги "тахаллус"нинг тарихи қизиқтираётгандир. Бу ҳақда кейинги ҳикояларимизда биллиб olasiz.

## 3. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИБРАТЛИ ОИЛАСИ

Ҳар тугул бу сафар тахририятдан келган мухбирлар Шавкат акани "қўрқитишмади". Самимий сўхбат асосида хонадонда ҳозир бўлган собиқ ўқитувчиси Бахтинисо опа, маҳалла фаоли Муаззамхон қабила оила ҳақида кўп ибратли гапларни сўзлаб беришди.

— Ўзбек хонадони азалдан ўзининг саранжом-сарипталиги билан ажралиб туради, — дея гап бошлади бундан 44 йил аввал 44-мактабда Шавкатга дарс берган ва бугун ҳам унинг оилавий қувончига шерик бўлиб турган устози Бахтинисо опа. — Чор-атрофга райхонлар иси уфуриб турган қай бир ҳовлига кирманг, ранг-баранг гуллар чиройидан кўнглингиз тоғдек кўтарилади. Келинларимизнинг эрталаб дарвозани барвақт очиб, кўчаларга сув сепаиб, остонани супуриб қўйишлари фақат бизнинг миллатгагина хос савилат бўлса керак-ов! Хотин-қизларимизнинг бу беминнат саёй-хара-



Хосилини сотиб, беллар бақувватлаш-гач, тўйлар қиламиз, уйлар кўраимиз. Момолар узумдан майиз, қиём, шинилар тайёрлашади. Боболар кеч кузада қўшлардан ортиб қолган нарисбани хумларга жойлаб, мусаллас қилишади.

Мухаббатнинг қудратини қарангки, қизгина халигача турмуш қилмапти. Эримга қараб: "Шота, жуда хурсандман, сен бахтли экансан, чунки ёнингда шундай гўзал беканг бор экан", дейди-я! Яна денг, хозирги пайтда грузин синглимиз мамлакат

## 7. ЧЕГАРАЛАР БУЗИЛМАСИН!

Шавкат ака яна бир воқеани айтиб қолди.

— Самарқандлик ҳамкасбим бор. Тошкентда ҳали уй-жой қилолмагани учун ҳозирча оиласи Самарқандда —

## "Эски қовунчи" да дув-дув-гап

катларига адолат нўқтаи-назаридан қарайдиган бўлсак, улар нафақат ўзлари ёки хонадонлари учун, балки жамият учун хизмат қилимаптиларми? Шундай экан, энг ибратли оилалар кўрик-танловларини ташкил этиб, бундай саришта қизларимиз, қақон келинларимиз номларини бирма-бир тилга олиш, уларни барчаннинг кўз ўнгида эътироф этиб, тақдирлаш — биз, маҳалла фаолларининг гарданидаги бурчимиз-да!

— Бизда қадимдан оила Ватан ичра Ватан сифатида муқаддас саналган, — дея сўхбатга кўр ташлайди маҳалла фаоли Муаззамхон. — Конституцияимизнинг алоҳида бир боби Оилага бағишлангани ҳам бежиз эмас-да. Чунки хонадонларимиздаги тиңчилик ва хотиржамлик тўғрисида йўл-йўл баракка бўлади. Давлатимиз раҳбари оила институтини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётганлари ҳам бежиз эмас. Оила мустақамлиги атроф-муҳитга ҳам чамбарчас боғлиқ. Масалан, мамлакатимизда маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида ташкил этилган жамоатчилик комиссиялари, "Оила — маҳалла — таълим муассасаси" ҳамкорлиги доирасида олиб борилаётган ишлар натижаларидан аёни, юртимизда тўлланган тажрибалар бутун дунёга ибрат бўлишига арзийди.

Бундай эзгу ташаббуслар, олижанов кадрларлар Хидоятловлар оиласида жуда ҳурмат қилинади, эъзозланади. Хидоятловлар хонадонини бемалол Янгийўлнинг меҳр-оқибати, самимият ҳовлиси деса бўлади. Шу боис улар ҳақи равишда ушбу танлов гоилиблари сафидан жой олишди...

Очиги, мана шундай қувончи хабарларни эшитганимизда кеча-кундуз маҳалла ташвиши билан югуриб-елиб юргангизга мингдан-миг рози бўлиб кетаркансан.

## 4. НИЯТДА ГАП КЎП...

— Янгийўлдаги техникумда ўқишдан мақсадим бу ерни тамомлаб, ё шахримиздаги ёғ-мой комбинацида ишчи ёки вино заводига "синувчи-ичувчи" бўлиш эмасди, — дейди Шавкат ака. — Аслида болалигимдан боғдорчиликни ёқтирар эдим. Бу ўта саридиқат ва сермеҳнат соҳа. Токни худди янги туғилган мурғакни авайлаганидек асраш керак. Кузда совуқдан асраб кўмиш, кўкларда очиб, кўтариш, тараш, тагини чопиш, ариқ олиш, кейин хомтоқ қилиш, сўғориш, оқиплантириш, ҳосилини йиғиб олган, чала кесув, тўла кесув, хуллас, тўқиз ой боғбоннинг кўли бўшамайди.

Аммо бир ой узум сотиш асносида ҳамма чарчоклар уни бўлади.

Янгийўлимизда-ку, ўзбеккона боғдорчиликни отамиздан баҳоли қудрат ўргатди. Шу ишлар Махалашвили гулганда қандай қилинишини ўз кўзим билан кўришни бошлаган орзу қилардим. Астойдил ният қилган эканман, Худо йўлимни очди. Амалиётни Грузияда ўташ насиб этди...

## 5. КЕЧИККАН "ТЎЙ САЁҲАТИ"

Марямбиби янги очикўнгли, сўзга чечан аёл экан. Уларни тинглаб, шу хонадоннинг ўртанча фарзанди, ижодий фаолиятини айнан қадрдон вилотия газетамизда бошлаган истеъдодли ҳамкасбимиз Бекзодбекнинг шунчаки бир юмалаб журналист бўлиб қолганини тушунаганидек бўлди.

Хуллас, гапнинг бу ёғини Марямхон янгандан эшитамиз: — Келинлигимда тўй саёҳати деган гаплар қаёқда! Фарзандлар катта бўлган, бир дунё кўрайлик, деб яқинда Грузияга бориб келдик. Грузия хўжайиним мактагачна бор экан. Тбилиси жуда замонавий шаҳар экан-у, аммо бу кишим амалиётни ўтаган туман ва қишлоқлардаги ҳаёт ҳозир ҳам ўша-ўша — самимий, одми ва бебузор экан. Одамлари жуда хушфезъл, ўзбекларга ўшаган меҳмондўст бўлишаркан.

Қишлоқ жойлар бўлгани учун транспорт ҳам унақа кўп эмас. Қанча йўлларни пиёда юриб, оёқларимиз толиб, кўк йил аввалги дўстларининг уйини толиб бордик. Бахтга қарши дўстлари оламдан ўтган экан. Лекин салкам юз ёшга яқинлашган онаси хўжайинини бир кўришга таниб, худди армиядан қайтган боласини қутиб олгандек қарши олди. Севинганидан бутун қишлоқни қақириб, меҳмон қилди ўзим. Қўлбола виноларни ичиб, бирам кўшиқлар айтишди-ей!

Шу ерда грузин ўртоқлари бир қиз ҳақида гапириб қолгач, денг. Се-зиб турибман, эримнинг ранги ўзгарди. Хўжайин аста менга шивирлаб, "Энди, онаси, бу йигитликда бўлган гаплар, ўзинг тушунасан, бу ерда бир танишим бор эди, шуни эслашпти..." деб изоҳ берди.

Сира хафа бўлмадим, аксинча мардонавор бўлиб:

— Сира хижолат бўлманг, адаси. Бу ёғи — йигитчилик. Қайтанга, вақтни ўтказмай, манзилини, телефон рақамини олинг. Шунча йўлдан келдик, энди учрашасан учрашиб кетақолайлик! — дедим.

Энди, мухбир ака, бу ёғини сўрасангиз, алоҳида ҳангома. Излаб-излаб Тбилисидан топдик у аёлни. Уни кўриб, ўзим ҳам яхши кўриб қолсам, денг! Бирам дилбар, бирам хушмуомала, хуллас, ўта замонавий бир хоним! "Хўжайин, дидингиз чакки эмас!" деб елкаларига беозор уриб кўйдим.

виночилик уюшмасими, қайсидир идоранинг катта раҳбари экан. Қайтишимизда икки сумка вино бериб юборди. Келгуси йили уни уйимизга меҳмонга тақдир қилдик. Насиб этса, у ҳам Ўзбекистонни бир саёҳат қилсин.

— Янги, шунча жойдан меҳмонга қақирибсиз, рашк қилмайсизми? — қитмирлик билан савол ташлайди ёш суратқашимиз Жалолдидин.

— Вой, нега рашк қилмайман. Аммо, шундай пайтда эрнинг бошида "ёноғ чакшгаям" шошиш керак эмас. Бундай пайтда аёл кенглик қилгани дуруст, бироз тиңчи-тишага қўйиб, ўзимизга Худодан сабр тилаб, бағри кенроқ бўлишимиз керак... Бола тарбиялаганмиз-ку, биламиз, болага нимани тақдирлагангиз, ўшанга интилаваради. Эрак ҳам шу. Хотин унинг ҳамма ишига аралашиб, бўлар-бўлмаста "тергов" қилаверса, ундан безиб бораверади. Охири, "портлайди"! Шунинг учун бироз сабрли бўлсак, осмон узлиб ерга тушмайди. Айтинг-чи, дунёда ўзбек миллатидек болажон халқ борми? Шу нарсга ойдек равшанки, эрак зоти шириндан-шакар болалари-ю, кўз очиб кўрган аёлини ташлаб, қаёққам борарди!

## 6. ЭСКИ КЎЙЛАК ЁХУД БЕКЗОДНИНГ "ВАЪДАСИ"

Сўхбат асосида набираларни ҳам суратга олагимиз десак, улар орасида бир қизалоқ жуда шаддод экан, энди суратга олаётганда ё кўзини юмиб олади, ёки тилини чиқариб...

— Бу қиз отасига торган-да, — деди қулиб Марямхон янги. — Болалигимда Бекзод ҳам шунча тўлопончи эди...

Шундай деб, янги яна бир воқеани қулиб эслади.

— Ўша йиллари болалар ҳали ёш, рўзгоримиз анча паришон, толганимизни етказиб-етказолмай кун кўрардик.

Бир куни нон ёпаётиб, қўйлагимнинг этагига чўғ тушиб, қуйиб қолди. — Вой, шўрим! Энди нима қиламан? Узи шу етмай турганди, — деб йўғлаб юборибман.

Сал нарида ўйнаб юрган беш яшар Бекзод менинг аҳволимни кўриб, югуриб келди.

— Нега йўғлаясиз, аяжон, йўғламан!

— Нима қилай, болам, қуриб кетсин, биттагина эски қўйлагим ҳам йўқ, янгисини кийиб, нон ёпаётганим, қуйдириб қўйдим...

— Хафа бўлманг, аяжон, — деди Бекзод мени маҳкам қучоқлаб. — Ҳали мен катта бўмай, сизга ўнта эски қўйлак олиб бераман!

ота-онаси билан яшайди. Фақат дам олиш кунлари уйига бориб келади. Бироқ аёли кунига камида беш-олти марта телефон қилади. Бир куни сезиб қолдим, келин: "Кўшимиз тўй қиляпти, хўжайин, кечкурун бирров чикиб келсам майлими?" деб телефonda сўрапти. Эри бу ёқда туриб рухсат берса, чиқаркан, бўлмаса йўқ.

— Асли мендан сўрамай чикиб келса ҳам бир нима демасдим, ака, — деган экан ўшанда ҳамкасби. — Баъзан унинг шу феълини ўйлаб, кўзларимдан ёш чикиб кетади. Яратган мени шундай тарбияли, саботли, вафоли аёлга қўшганидан кўнглим тоғдек кўтарилади.

Қайси даврада ўтирмай, шу воқеани бошқаларга айтиб бергим келади. Ҳақиқатан ўзбегимнинг аёллари бизнинг хонадонларимиз хази-наси-да! Бир мулоҳаза қилинг, токи мамлакатлар, шаҳарлар, қишлоқлар, маҳаллалар ва ҳатто ҳовлилар орасида чегаралар бор экан, нима учун эр ва хотин ўртасида баъзи масалаларда меъёр ва чегара бўлмагани керак? Биласиз, чегарани бузиб ўтганлар жазоланади. Гоҳида ўйлаб қоламан: ҳар бир уйнинг пештоқига "Чегаралар бузилмасин!" деб ёзиб қўйиб керак. Чунки барча касофатлар чегаралар бузилган, меъёрдан путур кетган кундан бошланади...

## 8. ҲАММАМИЗ — ЙЎЛОВЧИМИЗ

Шавкат ака кўп йиллардан бери темирйўл соҳасида ишлаб келади. Шунинг учунми: "Ҳаёт ҳам поезддаги саёҳатга ўхшайди", дейди у.

Дўптини бошдан олиб, ўйлаб кўрсангиз, шу гапта жон бор. Ҳар биримиз поездга энг аввало ота-онамиз билан бирга чиқамиз. Манзилга ҳам улар билан бирга етиб оламиз, деб ўйлаймиз. Аммо ота-онамиз вақти келиб вагондан тушиб қолишади. Биз эса саёҳатни давом эттираемиз.

Орадан яна қанчадир фурсат ўтган, вагонга бошқа йўловчилар чиқарилади. Улар билан ҳам танишамиз, сўхбатлашамиз, дардлашамиз. Бу саёҳат қутулмаган қувончларга, қутишларга, умидларга, меҳр-муҳаббатга, кечиримларга тўла. Баъзан қувониб, вагон ойнасидан ташқарига қараймиз, дунёларни томоша қилгимиз келади. Бироқ бу саёҳат сир-синоатларга тўла. Чунки ўзимиз ҳам қайси бекатда тушиб қолишимизни билмаймиз...

Энг муҳими шундаки, саёҳатимиз мазмунли ўтсин. Манзилга етиб борганимизда эса ҳамроҳларимиз жойимиз бўшаб қолганини албатта сезишин...

Тўхтамурод ҲАСАНБОВ,  
"Тошкент ҳақиқати" мухбири  
Жалолдидин ЭСОНОВ  
олган сурат



"Toshkent haqiqati" va "Tashkentская pravda" gazetalarini tahrir hay'ati:

Zoyir MIRZAYEV  
(tahrir hay'ati raisi)  
Abdusamad NOSIROV  
Umnat MIRZAQULOV  
Hotamjon SAYDAQHMEDOV  
G'afurjon MUHAMEDOV  
Sirojiddin ESHQUVVATOV  
Tohir ARIPOV  
Mahmud TOIR  
Uskenboy ATEMOV  
Abdulla XURSANOV  
Kumush EGAMBERDIYEVA  
Behzod QOBULOV  
Olimjon BEGALIYEV  
Zarifera ERALIYEV  
Sergey MUTIN

Bosh muharrir:  
G'ayrat SHERALIYEV

Qabulxona:  
(55) 520-64-95

Bosh muharrir o'rinbosari:  
(55) 520-04-10

Mas'ul kotib:  
(55) 520-05-10

Bo'lim muharrirlari:  
(55) 520-06-20, (55) 520-04-20

E'lonlar va hisob-kitob bo'limi:  
(55) 520-21-20

e-mail: toshkenthqiqati@umail.uz

Mas'ul kotib:  
Alloma AZIZOVA  
Navbatchi:  
Nigora O'ROLOVA

Bosishga topshirish vaqti - 21:00.

Bosishga topshirildi - 19:30

Nashr ko'rsatkichi - 205.

Buyurtma G-735.

3 971 nusxada chop etildi.

Hajmi - 2 taboq. Ofset usulida bosildi. Qo'g'oz bichimi A-2.

Bahosi kelishilgan narxda.

Toshkent viloyati Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar boshqarmasida  
2011-yil 12-yanvarda  
001-raqami bilan  
ro'yxatga olingan.

Manzil:  
111500, Nurafshon shahri,  
Toshkent yo'li ko'chasi, 90.  
Toshkent shahridagi  
ofisimiz: Bektemir tumani,  
Ittifoq ko'chasi, 2.  
ISSN 2010-9318.

Gazeta «Toshkent haqiqati»  
tahririyati kompyuter makzida  
terildi va Tohir Mahmudxo'jayev  
tomonidan sahifalandi.

Haftaning  
chorshanba va shanba  
kunlari chiqadi.

«SHARQ» nashriyot-matbaa  
aksiyadorlik kompaniyasi  
bosmaxonasida bosildi.  
Korxonaning manzili:  
Toshkent shahri,  
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.